

ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (БОЛЬШЕВИК) ЛАР ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРОЛИЯ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 44 (7491)

23
ФЕВРАЛЬ
ПАРИШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЯНН.

Бугун — Совет Қурулди Кучларининг 32 йиллиги кун.

Яшасин Совет Қурулди Кучлари!

Яшасин ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси, доҳимиз ва устозимиз Генералиссимус СТАЛИН!



Иосиф Виссарионович СТАЛИН.

Совет Армияси кун шарафига

(«Ўзбекистон» ва УЎТАГ мухбирларидан)

СТАХАНОВЧА БРИГАДАНИНГ ТОРТИГИ

СССР Олий Советига сайловлар шарафига стахановча вахтада туриб ишлаётган электр лампалари заводининг коллективи Совет Армиясининг 32 йиллиги кунини меҳнат унумини янада ошириш билан кутиб олаётди.

38-нчи цехдаги лампа симларини қилиш бригадасининг стахановчиларидан Лидия Евстафия ва Зинаида Росиева ўртоқлар ҳар кун иш нормаларини бир ярим ҳиссадан бажармоқдалар. Еш қолдичи Тамара Биковская нормани 200 процентдан ошириб бажариб, мусобақада олдинда бормоқда. Бригада январь ойи пиланини 185 процент ва февраль ойи пиланини муддатидан олдин — Совет Армияси кунига бажариб.

14-нчи цехнинг коммунист ўртоқ С. Торчинский бошлиқ қуюнлар бригадаси ҳам Совет Армиясининг 32 йиллигини муносиб кутиб олди. Бригада 37-нчи цех учун деталлар қуйиш юзасидан берилган муҳим топширқини муддатидан олдин бажариб. Бу деталларни қуйиш учун олдатилган икки марта ҳам вақт сарф этилди. Бу бригадада стахановчи қолдичилардан Комилов, Семский ва қуюнчи О. Торчинский ўртоқлар смена топширқини 150—160 процентдан бажариб, бошдаларга намуна бўлмоқдалар.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИНING ҚАТНАШЧИЛАРИ СТАХАНОВЧА ВАХТАДА ТУРИБ ИШЛАМОҚДАЛАР

«Узбекистон» заводининг ишчилари ўртасида Улуғ Ватан урушининг қатнашчиларидан юзга яқин киши бор. Собий фронтчилар Ватанимизнинг иқтисодий қудратини янада ошириш учун фидокорона меҳнат қилиб, Совет Армиясининг 32 йиллигини ишлабчиқаришда янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар.

Механик цехининг тоқари коммунист ўртоқ Жўра Усмонов 1945 йилда армиядан бўшаб келиши билан, заводда ишлаб бошлади. У, ҳозир корхонанинг илгир стахановчиларидан бири ҳисобланади. Ўртоқ Усмонов урушдан кейинги бейпилликнинг бошидан бўён тўққиз йиллик нормани бажариб. Ўртоқ Усмонов 20 февральгача қишлоқ хўжалик машиналари учун пилани ташқари бирнеча йиллаб детал ишлаб чиқарди.

Газ билан пилани қилучи ўртоқ Қўям Токташев уруш йилларида авиация қисмида старшина бўлиб хизмат қилган эди. Ҳозир у заводда нормасини бошқа ишчиларга қараганда анча ошириб бажармоқда.

Собиқ фронтчилардан елесар Павел Харитонов, тоқар Василий Ивалов ва бошқа стахановчилар нормаларини ошириб бажариш билан бирга, а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Илғор машинистларнинг совғаси

Тошкент темир йўлининг илғор машинистлари Совет Армиясининг 32 йиллигини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар билан кутиб олмақдалар. Тошкент товар депосининг илғор машинисти А. П. Липченко ва унинг ёрдамчиси, СССР Олий Совети депутатлигига номзоди кўрсатилган Деҳқон Сулонов ўртоқлар 18 февральда Совет Армияси кун шарафига сафарга жўнаб, белгиланган манзилга муддатидан илгари етиб бордилар. Улар 1.600 тонна оғирлигидagi поездини Тошкентдан Сирдарё станциясига етказиб бордилар ва шу сафарда техника тезлигини 2,4 километрге оширишга муваффақ бўлдилар. Сирдарёдан Тошкентга қайтишда ҳам оғир юк ортилган поездини юришда, техника нормаларини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажардилар.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, Урсатъевск депониядаги машинисти Василий Антонов нормалдан 150 тонна оғир юк ортилган поездини соатига нормадан 8,5 километрге оширишга қодир бўлиб, қалта муваффақияти эринди. Ўртоқ Антонов ўзининг бу сафарини Совет Армияси кунига бағишлади. Урсатъевск станциясининг машинисти ўртоқ С. Қодиров ҳам шу кунда нормадан 200 тонна оғир юк ортилган поездини Жеззах станциясидан Урсатъевскка олиб келди. Еш машинист Евгений Крайнов техника тезлигини 3,1 километрге ошириб, оғир юк ортилган поездини Урсатъевскдан Сирдарёга муддатидан олдин етказди.



ССР Иттифоқи Қурулди Кучлари Министри Совет Иттифоқи Маршали ВАСИЛЕВСКИЙ.

ССР Иттифоқи Қурулди Кучлари Министрининг Буйруғи

1950 йил 23 февраль № 21 Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар! Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун Қурулди Кучларимиз коммунистлар партияси, унинг улғу йўлбошчилари Ленин ва Сталин тузган Совет Армиясининг ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг ўттиз йиллигини байрам қилмоқдалар. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти социалистик Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда Совет Иттифоқи давлат маънафатларининг ишончли посбони эканликларини исбот қилдилар.

Солдат ва матросларни, сержант ва старшиналарни, офицерларни, генераллар ва адмиралларни Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг ўттиз йиллиги билан қутлайман, Армия ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг ҳамма командирлари ва олдин аскарларига ҳарбий ва сиёсий ёнмаларини янада ошириш йўлида янги муваффақиятлар тилайман.

Шоён йилликни ишончли юзасидан БУЮРАМАН: Бугун, 23 февральда, Ватанимизнинг пойтахти Москвада, иттифоқи республикаларнинг пойтахтларида, шунингдек Калининград, Львов, Хабаровск, Владивостокда ва ҳақрамон шаҳарлар — Ленинград, Сталинград, Севастополь ва Одессада тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб салют берилсин.

Яшасин Совет Қурулди Кучлари! Яшасин қудратли Ватанимиз! Яшасин шонли большевиклар партиямиз! Яшасин Совет Ҳукуматимиз! Яшасин Совет халқи ва унинг Қурулди Кучлари ғалабаларининг илҳомчиси ҳамда ташкилотчиси улғу йўлбошчимиз ва устозимиз ўртоқ СТАЛИН!

ССР Иттифоқи Қурулди Кучлари Министри Совет Иттифоқи Маршали ВАСИЛЕВСКИЙ.

Совет Армияси кун муносабати блан лекция ва суҳбатлар

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнатқилар Совет Армиясининг 32 йиллигини ишломоқдалар. Сановат корхоналарида, ўқув yurtлари ва илмий муассасаларда ҳамда агитпунктларда социализм маънафати армиясининг шонли ва жанговар йўли ҳақида суҳбатлар бўлиб ўтмоқда.

Шаҳар партия кабинетида агитаторларга ёрдам мақсадида адабиётлар тивастаси очилди. «Совет Армиясининг 32 йиллиги» деган темада раҳбарлик доклад бўлди. Шаҳар партия кабинетида 90 та яқин доклатчи белгиланди. Булар корхона ва муассасаларда Совет Армияси кунига бағишланган таънавли мажлисларда доклат қилмоқдалар. Бундай доклатлар йўллар министрлигига қарашли машина-соалки заводда, шарикопозитининг заводида. Сталин номлиги тўққизинчи коммунистнинг фабрикаларида, 1-нчи нон комбинатда, тамаки фабрикаси ва бошқа корхоналарда бўлиб ўтди.

Бугун 23 февральда, Свердлов номлиги концертлар залда Ўзбекистон пойтахти партия, совет ва жамоат ташкилотлари-нинг Тошкент гарнизони қисмлари вакиллари билан биргаликда Совет Армиясининг 32 йиллигига бағишланган таънавли мажлиси бўлди.



Чирчиқ шаҳрининг меҳнатқилар Совет Армияси кунини балад руҳ ва эфр қувонч билан байрам қилмоқдалар. Шаҳардаги корхоналар, муассаса ва ўқув yurtларида Совет Армиясининг 32 йиллигига бағишланган суҳбат, доклад ва мажлислар бўлаётди.

Бугун шаҳарда Совет Армияси кунига бағишланган суҳбат ва лекциялар бўлди. (ЎТАГ).

Совет Қурулди Кучларининг шонли байрами

Бугун—бутун совет халқи Совет Социалистик давлатимиз Қурулди Кучларининг ўттиз йиллигини байрам қилади.

Бу қувончли кун—мамлакатимиз халқлари социалистик давлатимиз олий органи бўлган СССР Олий Совети сайловларига қизғин тайёарланган улғу айём кунларида байрам қилинмоқда.

Совет Армияси ўттиз йил икки йил иккича қаҳрамонлик, шон-шавкат ва тарихий ғалабалар йўлини босиб ўтди. Қурулди Кучларимизнинг бутун тарихи ўз халқига, ўз Ватанига, Ленин ва Сталиннинг улғу ва енгилмас ишга фидокорона хизмат қилишнинг порлоқ намунаси бўлди. Унинг бутун ривожланиши ва тараққий этиши ўзмас Ленин ва улғу Сталиннинг номлари билан, узлар ташкил этган большевиклар партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Иосиф Виссарионович Сталин, Ленин тобути енида туриб қасам'ед қилганида, бундай деган эди: «Ленин Қизил Армияни мустаҳкамлаш ва унинг аҳволини яхшилаш партиямизнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини бирнеча бор кўрсатган эди... Ўртоқлар, Қизил Армиямизни, Қизил Флотимизни мустаҳкамлаш учун кучимизни аямийиз деб қасам'ед қилайлик».

Большевиклар партияси бу кўрсатмани шараф билан бажариб, армиямизни ҳар тарафлама мустаҳкамлади, ўстгирди, чиқинтирди. Совет Армияси энг илғор ҳарбий қан блан, биринчи даражали жанговар ҳарбий қурулди блан таъинланди, дун'ёда энг кучли ва қудратли армияга айланди.

Совет Армияси — халқ армиясидир. У ўз халқига, ўз Ватанига садоқат билан хизмат қилиб келмоқда. Ватан ва халқ маънафатларини кўзқорачиқдек қўриқлаб келмоқда. Еш совет республикаси энгилми ташкил этилган кунлардаёқ Совет Армияси Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашиб, империалистларнинг ҳарбий интервенциясини ва граждани урушининг дахлтан йилларида халқаро ва ички контрреволюциянинг бирлашган кучларини тор-мор келтирди.

Совет Қурулди Кучларининг Ватанимиз олдида, халқимиз олдида қилган хизматлари беҳад ва улғулар. Унинг куч ва қудрати Улуғ Ватан урушида бутун дун'ёга яна ҳам ердил намоийш қилинди. Германия фашистлари ва япон империалистларига қарши олиб бо-

рилган уруш Совет Армиясининг ғалабаси билан тугади. Совет Армияси тўғайли Европа халқлари ҳам немис-фашистлар асоратидан озод бўдилар. Совет Армиясининг ёрдами билан Италия, Чехословакия, Румоניה, Булгория, Венгрия, Албания тараққийнинг янги — социалистик йўлига кириб олдилар. Иккинчи жаҳон уруши — Совет Қурулди Кучлари ма'навий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкам эканлигини, унинг улғу қўмондон ўртоқ Сталин томонидан яратилган совет ҳарбий фаши билан қўралаганини, Совет Армияси ҳозирги замоннинг биринчи даражали армияси эканлигини ва жангларда чиниққан, тажрибали командирлар соҳтаврга эга эканлигини кўрсатди.

Большевиклар партиясининг доно раҳбарини Қурулди Кучларимиз куч ва қувватининг, барча ғалабаларининг манбаи бўлди. Ватан урушида бизнинг Совет давлат тузумимиз ғалаба қилди, кўп миллатли совет давлатимиз урушининг ҳамма синоваларидан ўтиб, ўзининг мустаҳкамлигини ва янаша қобил эканлигини исбот қилди. Биз шунинг учун ғалаба қилдикки, Совет Армиямиз урушининг ҳамма маънафатларига қаҳрамонларча барлош берди, душманларнинг армияларини яқсон қилди ва урушдан енгиб чиқди.

Ўртоқ Сталин Совет Армияси еришган ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси. Ўртоқ Сталин, армиямиз ташкил топган биринчи кунлардаёқ унинг қудратини ошириш, мустаҳкамлаш тўғрисида гап-хўралик қилиб келмоқда. Ўртоқ Сталин илғор совет ҳарбий фашининг иқоҷиқисидир. Ўртоқ Сталин аюбийи жангчилар ва командирлар армиясини тарбиялаб етиштирди.

Совет халқи коммунизм қуриш учун курашиб, Ватанимиз қудратини ошириш, сталинча бейпиллик пилани муддатидан олдин бажариш соҳасида бутун куч ва қувватини аямий, фидокорона меҳнат қилмоқда. Совет Қурулди Кучларимиз халқимизнинг бу меҳнатига ғалабаларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб, Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тивч ва оёсийини та меҳнатини зийраклик билан қўриқламоқдалар. Жангчи ва командирларнинг ҳарбий ва сиёсий тайёарлигини тивмай опираборини, ҳарбир жангчи ва командирини большевикча талабчанлик, сабот ва қаҳрамонлик, қаттиқ ҳарбий иттижом руҳида, ўз Ватанига чеҳси му-

ҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш — энг муҳим ва асосий вазифадир.

Империализм мавжуд экан, Ватанимизга ҳужум хавфи борлигини ҳеч унутмаслигимиз керак. Совет ҳукумати бошлиқ, демократия кучлари бутун дун'ёда мустаҳкам тивчилик учун курашаётган бир пайтда, империалистлар лагерини янги уруш олдини ёқиб мақсадида ҳарқил найрағлар ишламоқдалар. Америка Қўшма Штатларининг ҳуқуқрон доиралари дун'ёга ҳоким бўлиш учун илтибиб, агрессия сиёсатини ва янги уруш очини сиёсатини олдинга сурмоқдалар. «Агар империалистлар учинчи жаҳон урушини чиқарар эканлар, бу уруш энди айрим капиталистик давлатларни эмас, балки бутун дун'ё капитализмининг гўрга тилқил. Вунга ҳечқандай шак-шубҳа йўқ». (Г. Маленков). Бутун дун'ёда демократик лагер кучлари қуддан-қудан ўсиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Совет Иттифоқи ўзининг сталинча суҳдашлар ташкил сиёсатини қаттиқ туриб амалга оширмоқда. Ана шу алоқатли ташқи сиёсатини бутун дун'ёга тивчилик ва озодлик тарафдорлари қўллаб-қувватламоқдалар.

Шонли коммунистлар партияси улғу Ленин ишларининг давомчиси доҳимиз улғу ўртоқ Сталин раҳбарлиги остида СССР Қурулди Кучларини тивмай мустаҳкамламоқда ва унинг қудратини оширмоқда. Бутун Иттифоқ Коммунист (большевиклар) партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга, ишчиларга, деҳқонларга, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларига, совет айналарига қарата чиқарган мурожаатида бундай дейилди:

«Сайловчилар коммунистлар билан партиячилар блокнинг номозлари учун овоз бериш билан, Совет Иттифоқи чегараларини келгусида ҳам ҳечқандай ёв қиролмай, динга қал'ага айлантириш учун, кууришиб қўлга киритилган тивчиликни ва совет халқининг иқоҷий меҳнатини, сиёсий, илмий Ватанимизнинг маънафатларини зийраклик билан қўриқлаётган Совет Иттифоқи Қурулди Кучларини мустаҳкамлаш учун овоз берган бўладилар».

Яшасин шонли Совет Қурулди Кучларимиз! Яшасин Совет Қурулди Кучлари ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси, улғу қўмондон, меҳнатқиларининг доҳиси ва устоз Генералиссимус Сталин!

Совет Қуроли Кучларининг ўттиз икки йиллиги

Бугун бутун совет халқи билан биргаликда Совет Қуроли Кучлари ўзининг ўттиз икки йиллигини аниқ маънадаги ва шодона билан байрам қилиб нишонламоқда.

Совет Қуроли Кучлари оқсавдчилар ва чет ва интервенцияга қарши кураш оловидида жужуга келди. Совет мамлакатининг ёш қуроли кучлари 1918 йилнинг 23 февралда Нарва ва Псков ёнида немис боқсичиларини тор-мор келтирдилар. Бу кун тарихда овоз қалқинининг армияси тутилган кун бўлиб қаради. Совет Армияси граждан урушининг оғир йилларида Антантнинг уч юришини тор-мор келтириб, мамлакатимизни америка, япона, немис, франца, фин ва бошқа империалист боқсичилар ҳамма уларнинг малайлари бўлган оқсавдчиларини ҳайдаб чиқариб, Улуғ Октябрь революциясининг галабаларини сақлаб қолди.

Ленин ва Сталин бошлиқ большевиклар партияси Совет Армиясининг асосини ва ташкилотчиларини. Партиямиз бу Армияни даҳрамалик вафаларига алоқадорлиқ, уни юксак большевиклик гоявилни руҳида тарбиялади ва чиқарибди. Совет Армияси СССР халқларининг ахши айналарини, улуғ урр саркаралари Александр Невский, Дмитрий Донской, Бузма Минин, Пожарский, Суворов ва Кутузовларнинг аждоиб айналарини ўзида галдаёттирди.

Совет Армияси янги тиллаги армиялар. Уртоқ Сталин бундан 22 йил бурун доҳдеба равишда та'рифлаб берганидек, бу армия оски тиллаги армиялардан, асослатворлик асосига қурилган давлатларнинг армияларидан бутунлай фарқли равишда ўзига хос хусусиятларга эгадир. «Қизил Армиясининг биринчи ва асосий хусусияти шундан иборатки, у овоз қалқинган ишчи ва деҳқонлар армиясидир, у Октябрь революцияси армияси, пролетариат диктатураси армиясидир...»

Қизил Армиясининг иккинчи хусусияти шундан иборатки, у бизнинг армиямиз, мамлакатимиздаги миллатлар ўртасидаги бирозарлик армиялар, мамлакатимиздаги ўттиз икки йилда миллатларнинг овоз қилинган армияси, мамлакатимиз миллатларининг овозлиги ва муостақиллигини ҳимоя қилиш армиясидир...

Иккинчи, Қизил Армиясининг учинчи хусусияти. Бу хусусият бутун Қизил Армиямизни интернационализм руҳида тарбиялаш ва муостақамлаш, бутун Қизил Армиясининг вужудига сиғиб кетган интернационализм руҳининг маъжудлигидан иборатдир. (Сталин).

Совет Армиясининг макуру хусусиятлари унинг куч ва қудрати, шонли галабалари учун маъна' бўлиб ва бундан кейин ҳам шундай бўлажак. Бу хусусиятлар унга капиталистик давлатларнинг армияларига бўлмаган афзалликларини бериб элади.

Уртоқ Сталин 1931 йили бундай дедган эди: «Биз илгор мамлакатлардан 50—100 йил орқда қолганми. Биз бу масофани 10 йил ичда босиб ўттишимиз керак. Биз 8 шундай қиламиз, ёки бизни букаб ташлайдилар».

Совет халқи доҳимининг бу кўрсатмаларини ўз ишларига ва курашларига программа қилиб олди. Совет Армияси ос партиямизнинг қудратли индустрия қарпо этишига, халқ хўжалигини янги асосларда қайтадан куришига ва бўлажак урушларда галаба доҳимини учун барча закилар араштиришга кенг имконият туғдириб берган тинч қуриш йилларида ишончли қосиб бўлди. Партиямиз Совет Иттифоқига тақозавор давлатларнинг ҳужум

қилиш аҳтимоли бор эканлигини олдиндан билди, мамлакатимизни бирвеча йил давомида актив мудофага тайёрлади. Бу йилларида Совет Армияси ҳартарафлама ўсиб, чиқиқди, галаба қилиш ялмини пухта ўрганди.

Сталинча бешйилликлар СССР ни доҳок мамлакатдан индустриалаш ва колхозлашган қудратли давлатга, ўз армиясини доҳирги замон ҳарбий техникасининг барча янгиликларини билан та'минлашга доҳир бўлган давлатга айлантирди. Натижала Совет Армияси янги янги замон техникаси билан қурулган, моторлашган қудратли армияга айланди.

Совет Иттифоқи чегараларида яширин равишда олдиндан ҳозирлаб қўйилган 170 немис дивизияси 1941 йилнинг 22 июнида мамлакатимизга доҳимона ҳужум қилди. Гитлер СССР га қарши уруш бошлаб, немис фашистларининг иродасининг амас, балки ўз доҳларлари билан герман милитаризмининг тарбиялаб ўстирган оқсав орқасидаги монополистларнинг, гитлерчилар тақозаворлигини аниқ бериб Шарқда томон йўналтирган империалистларнинг иродасини ҳам баҳармоқчи бўлди.

Совет халқлари ана шундай даҳматли кураш пайтларида даҳрамона Ленин — Сталин партиясини раҳбарлигида, ўз оқсав улуғ руҳ қалқининг бевосита иштироки ва ёрдамида ўзининг буюк қудрати, илмисиз мардлиги ва даҳрамонлигини бутун инсоният олдида яққол кўрсатди. Фронт ва мамлакат ичарисини Ватанин мудофаа қилиш ва душманни тор-мор келтириш каби олжажоб мақсад бирлиги билан жингалаш ягона, жангворларга айланди. Улуғ саркараларимиз Уртоқ Сталин халқимизни, армиямизни галабага томон муостақам ишонч билан бошлаб олди.

Совет Армияси ўз халқимизга амас, балки чет эллардаги мазлум халқларини ҳам халос этиш армиясидир. Шунинг учун бутун дун'бани халқлар уни халоскор армия деб биладилар. Уртоқ Сталин думшани Москва остоноларига келиб қолган оғир бир пайтда бундай дедган эди: «Бутун дун'бани сизларни немис боқсичиларининг талончи қўшинларини йўқ қилаоладиган бир куч деб билиб, сизларга умид қўзлари билан қараб турибди. Немис боқсичиларининг асоратига тушиб, қўз қилинган Европа халқлари сизларни ўз халоскори деб билиб, сизларга умид қўзларини тикиб турибди. Улуғ халоскорлик вазафаси сизларнинг зимматига тушиб, Ана шу вазафани лойиқ бўлингиз!».

Совет халқлари ўз устоаларининг аниқ шу кўрсатмаларига қаттиқ амал қилиб, Европа, Хитой, Қуря халқларини ҳам фашизм асоратидан халос этидилар. Совет Армиясининг немис фашизми ва япон империализминг устидан доҳимон оламшумул тарихий галабасига ўзбек халқи ҳам муносиб ҳисса қўшди. Ўзбек халқи урушининг оғир йилларида ўз она-Ватанига ҳечқанда содиқ эканлигини кўрсатди. Юз мингларча ўзбек жангчилари фронтларга фидокарлик билан курашдилар. Бу фидокарлик ва баҳорлик учун 65 ўзбек жангчиси Совет Иттифоқининг Даҳрамон дедган юксак унвонини олштига муяссар бўлди. Ўн мингларча ўзбек жангчилари орден ва медаллар билан мукофотланди.

Совет Ўзбекистонини уруш йилларида Қуроли Кучларимизнинг асалаҳоналаридан бирга айланди. Республикаимиз фронтини ва мамлакатини бошқа қардош халқлар билан биргаликда арот-асалаҳ, ошпа-оқат, қийим-кечак ва томаш'бачи та'минлаб турди.

Совет кишиларининг, шу жумладан ўзбек халқининг юксак маънавий фазалят-

лари, социалистик Ватанга бўлган оташин муҳаббати Совет Армиясининг буюк даҳрамонлиқларида яққол намоён бўлди.

Совет Армиясининг даҳрамон жангчилари шон-шухратлар билан ном чиқаргандилар. Уруш йилларида улардан бирвеча миллион киши орден ва медаллар билан мукофотланди. Совет Армиясининг 10.943 жангчиси ва 507 денгизчисига Совет Иттифоқи Даҳрамони унвони берилди.

Совет халқи ва ўзини армияси Улуғ Ватан урушида Ленин — Сталин партиясини раҳбарлик қилганини, бу урушдан олдин галаба учун зарур бўлган амилларини тайёрлаганини, Совет Армиясига модир саркарда Генералиссимус Уртоқ Сталин етакчилиги қилганини туфайли галаба қозонди. Бу галаба чинакам демократик тузум бўлган совет янгиимой тузумининг, халқлар ҳўсталиги ва даҳморинига асосланган социалистик давлат тузумининг, доҳирги замондаги янги қудратли Совет Армиясининг галабаси дедмақдир. Бу урушда партиямизнинг буюк илҳомбахш кучи, генерал саркарда Уртоқ Сталиннинг ҳарбий раҳбарлик саба'ти галаба қилди. Уртоқ Сталин томонидан ишлаб чиқилган совет ҳарбий фаии душманларини тор-мор келтиришда гитлерчиларга қарши роль ўйнади.

Уртоқ Молотов айтганидек, урушнинг оғир йилларида Совет Армиясини ва халқимизни доно ва сипалган йўлбошчимиз улуғ Сталин бошлаб борганлиги бизнинг буюк баҳтимиздир.

Фашизмнинг итлиз-америка империалистлари лагеридида доҳимлари Совет Иттифоқи иккинчи жаҳон урушидан амиллашиб чиқиб, иккинчи даражали давлатга айланиб қолди, деб ўйлаган эдилар. Брок, совет давлати ва ўзини армияси бу урушдан гит муостақамлашиб ва янада муостақамлашганини неботаб, ўзининг даҳчан эканлигини яққол кўрсатди. Урушдан кейинги Сталинча бешйилликнинг улуғвор вазафалари бирин-кетин катта муваффақиятлар билан амалга оширилганини патиясизда Ватанимизнинг қудрати, мудофаа салоҳияти, халқаро обрўси ва халқимизнинг модий фаровонлиги муттасил ўсиб борди ва ўсиб бормоқда.

Икки система ўртасидаги муросаси курашида социалистик системанинг ва Совет Қуроли Кучларининг афзалликлари яққол кўринмоқда. Социализм билан тинч йўлга муостақам қилишни истамай, аниқ бериб қурулганлар ва уруш оловини баҳанга илгани-америка империалистлари капитализм системасига қаршилик зарба берган урушнинг, уни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйган I ва II жаҳон урушларининг сабабларини тода унутиб қўйдилар. Улар тараққийлар халқларни ана бир марта талончилик уруши гирдобига тортегалар жаҳон империализмин системасининг бу тунлай ҳалокатга учрамағи турган гап. Бутун дун'бда тобора ўсиб бораётган социализм ва демократия лагерининг қудратли кучлари уруш оловини ёқучиларнинг бир вазафасига қарши ўн зарба билан жаҳоб бермажак.

Совет Қуроли Кучлари урушнинг бутун тажрибаларини ўрганиб, ўз мудофаа салоҳияти ва гоявий савиясини тинмай оширган ҳолда доҳирги пушларга бугун совет халқи билан биргаликда СССР Олий Советига бўладиган саволларга катта таъбирларик қўймоқда.

Совет Қуроли Кучлари мамлакатимизнинг сиёсий даҳиди аниқ иштирок этиб, совет ижтимоий ва давлат тузумини ҳартарафлама муостақамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Е. БЛОК.

Улуғ Ватан уруши инвалидларига ғамхўрлик

Совет давлати барча граждандарга қариган чоғида ёки меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганда модий та'минот олди ҳуқуқини бериб. Шунингдек, совет давлати Ватан уруши инвалидларига, иш жараёнида меҳнат лабратини йўқотган кишиларга ҳечқанда ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Самарқанд шаҳрида бирвеча өз Ватан уруши инвалидлари, меҳнат инвалидлари бор. Шаҳар партия ташкилоти, ижтимоий та'минот бўлими ва жамоат ташкилотлари бу инвалидларга қийиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Шаҳардаги кўчлик инвалидлар Ўзбекистон ССР Та'минот министрлигига қаршили Самарқанд ўқув-ишлаб-қарши мастерскойда ишламоқдалар ва у ерда ўқиб ҳар турли ахтисосларни ўрганоқдалар. Доҳир бирвеча инвалид ишлаб-қарши корхоналарида мастер, бригадир бўлиб ишламоқда.

Улуғ Ватан урушининг инвалидларидан ўртоқ Боласев «Кинал» асосида фотограф бўлиб, ўртоқ Сартаков «Прогресс» артелининг этик пехида мастер бўлиб ва меҳнат инвалиди ўртоқ Ламкия шу артелида бухгалтер бўлиб ишламоқда.

Уртоқ Ортоқов мудирик қилаётган область та'минот бўлимида «Ғамхўрлик» дедан деворий газета чиқарилади. Бу газетда Совет давлатининг барча инвалидларга қандай ёрдам берилаётганини ёритилади. Шаҳарда Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига айлниса катта ғамхўрлик қилинмоқда. Утган йили шаҳарда Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларини учун 32 миллион сумдан ортиқ нафақа берилади. Инвалидлардан жуда кўп кишининг уйи ремонт қилиб берилади. Ватан уруши инвалидлари учун 3.934 тоннадан ортиқ ёқилғи, ҳар турли курорт ва санаторияларда дам олиш учун қўллаб қўлланмалар берилади.

Бу инвалидларга фақат шаҳар ва район та'минот бўлимларига амас, балки шаҳар ва район ажрона комитетлари ҳам катта ёрдам қўрсатмоқдалар. Самарқанддаги ҳарбир завод ва фабрикада Улуғ Ватан уруши инвалидларига маданый ва итисодий томондан ёрдам бериш учун махсус васийлик советлари ташкила этилган. Областадаги колхозларда ҳам колхоз правленелари ва партия ташкилотлари Ватан уруши инвалидларига катта ғамхўрлик қўрсатмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигига жавобан инвалидлар бошқалар билан бир қаторда ишлаб-қаршида намунали меҳнат қилмоқдалар. Ўртоқ Маҳмудов директор бўлган Самарқанддаги ўқув-ишлаб-қарши мастерскойда Ватан уруши инвалидларидан қўлгани киши 1949 йилги йиллик планини 125 процент қилиб баҳарди.

Улар СССР Олий Совети сайловларини ва Қизил Армиянинг шонли 32 йиллигини ишлаб-қаршида катта муваффақиятлар билан кутиб олиш учун ўз устоаларига олган конкрет мажбуриятларини шаҳар билан баҳармоқдалар.

М. ВЛАСОВ.

СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар рўйхатга олинди

Наврўз Жапақовни

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказуши 467-нчи Тўртқўл шаҳар сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг

Қ А Р О Р И Д А Н

Наврўз Жапақов Миллатлар Советига сайлов ўтказуши Тўртқўл шаҳар сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олнисин. Наврўз Жапақов 1914 йилда тутилган, Нукус шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Қорақалпоғистон АССР Министралар Советининг Раиси. Наврўз Жапақов Тўртқўл қишлоқ хўжалик техникумининг студентлари ва ўқитчилари, Тўртқўл районидида Чкалов номи ва Мо-

доклов номи колхозларининг а'золари, Тўртқўлдаги «Витовик» ҳуварманчилик артели а'золарининг умумий йилгилашларида номзод қилиб кўрсатилган. «СССР Олий Советига сайловла» тўғрисида Наврўз Жапақовнинг 65-нчи молдасига мувофиқ, СССР Олий Совети депутатлигига номзод Наврўз Жапақов Миллатлар Советига сайлов ўтказуши 467-нчи Тўртқўл шаҳар сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киртилсин.

Сора Эшонтўраевани

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказуши 100-нчи Чимбой сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг

Қ А Р О Р И Д А Н

Сора Эшонтўраева Миллатлар Советига сайлов ўтказуши 100-нчи Чимбой сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олнисин. Сора Эшонтўраева 1911 йилда тутилган, Тошкент шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, Ўзбекистон ССР ёр заводи, Қораўлақ районидидаги 1-нчи МТС коллективлари, Кетайли районидидаги «XVIII партс'ез»», Мўлтоқ районидида

Будийин номи, Қуббихов районидидаги Чапаев номи колхозлар а'золарининг умумий йилгилашларида номзод қилиб кўрсатилган. «СССР Олий Советига сайловла» тўғрисида Наврўз Жапақовнинг 65-нчи молдасига мувофиқ, СССР Олий Совети депутатлигига номзод Сора Эшонтўраева Миллатлар Советига сайлов ўтказуши 100-нчи Чимбой сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киртилсин.

Гани Хўжаевни

Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказуши 574-нчи Чимбой сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг

Қ А Р О Р И Д А Н

Гани Хўжаев Иттифоқ Советига сайлов ўтказуши 574-нчи Чимбой сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олнисин. Гани Хўжаев 1906 йилда тутилган, Тошкент шаҳрида туради, ВКП(б) а'зоси, III ранг ҳаракат генерал-директори, Ўрта Оснб округ темир йўллари бошлигининг ўринбосари. Гани Хўжаев Қораўлақ районидидаги Жданов номи, Қўнғирот районидидаги Ленин номи кол-

хозларининг а'золари, Хўжаев пристани, Чимбой пахта заводи ва Мўлтоқ районидида Усечой балиқ заводи коллективларининг умумий йилгилашларида номзод қилиб кўрсатилган. «СССР Олий Советига сайловла» тўғрисида Наврўз Жапақовнинг 65-нчи молдасига мувофиқ, депутатликка номзод Гани Хўжаев Иттифоқ Советига сайлов ўтказуши 574-нчи Чимбой сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киртилсин.

Ўрингул Хидирбоевани

Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказуши 470-нчи Нукус сайлов округи

Округ сайлов комиссиясининг

Қ А Р О Р И Д А Н

Ўрингул Хидирбоева Миллатлар Советига сайлов ўтказуши 470-нчи Нукус сайлов округида СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун номзод қилиб рўйхатга олнисин. Ўрингул Хидирбоева 1925 йилда тутилган, Нукус шаҳрида туради, партиясиз, Қорақалпоғистон давлат педагогика ва ўқитчилар институтининг ўқитчиси. Ўрингул Хидирбоева Нукус мотор-ремонт заводи, Нукус полиграфия компанияси, Нукус тикучлик-поймафа

фабрикаси коллективлари, Нукус шаҳри атрофидаги «1-нчи Май» колхоз а'золарининг умумий йилгилашларида номзод қилиб кўрсатилган. «СССР Олий Советига сайловла» тўғрисида Наврўз Жапақовнинг 65-нчи молдасига мувофиқ, СССР Олий Совети депутатлигига номзод Ўрингул Хидирбоева Миллатлар Советига сайлов ўтказуши 470-нчи Нукус сайлов округида овозга қўйилиш учун сайлов бюллетенига киртилсин.

Колхозларда меҳнатни ташкил қилишдаги бузилишларга қарши

I.

Колхоз тузуми СССРнинг қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартириб юборди. Илгари тарқоқ, кучсиз ва қолоқ бўлган деҳқончиликнинг колхозлар, соҳаво ва МТСлар асосида дун'бани янги йрик ва машиналаштирилган, юксак ва унмдор деҳқончиликка айланди. Қишлоқда қўлоқлар асорати ва қашшоқлик азобий тугатилди. Колхоз тузуми қолоқ майла-товар ишлаб-қаршишидангина амас, балки йрик капиталистик қишлоқ хўжалигини ҳам шубҳасиз устуи эканлигини амалда исботлади.

Урушдан илгари соҳилича бешйилликлар даврида колхоз экономикасининг тез сур'атлар билан ривожланиши бунин исбот қилди. Уруш вақтидаги оғир шароитга бу тасдиқланди. Уруш вақтида колхозлар мамлакатини ва армияни ошпа-оқат, қийим-кечак ва томаш'бачи билан улуқсиз та'минлаб турдилар. Бунин урушдан кейинги давр ҳам равшан кўрсатиб турипти. Немис-фашист боқсичилар ҳужуми социалистик деҳқончиликмизга жуда кўп зарар етказишига қарамай, 1949 йилда дун ва бирқанда мўҳим техника акциларининг янги мақсудлари урушдан аввалги 1940 йилдаги мўрдордан ошиб кетди. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш учиндлик плани ва табииати ўзгартиридан иборат еталлича буюк план муваффақият билан амалга оширилди.

Колхоз хўжалигига бунчалек тез сур'атлар билан юксалтираётган кучининг манбаи нимадан иборат? Бу кучининг манбаи шундаки, социалистик хўжалик бўлган колхоз хўжалиги жамоат мулкига ва коллектив меҳнатга асосланади, планли раҳбарлик қилинади ва капитализмининг қризислар, експлоатация, деҳқонларни қонсавор қилиш ва қашшоқлантириш каби тузалмас марзаларини биймайди.

Бу кучининг манбаи шундаки, йрик хўжалик бўлган колхоз хўжалиги тобора ривожланаётган биринчи даражали қишлоқ хўжалик техникасида, ўнгитлардан кенг фойдаланиш, илгор план муваффақиятларидан фойдаланиш ва шу асосда колхоз экономикасининг ҳамма тормоқларига ҳартарафлама ривожлантириш учун катта имкониятларга эгадир.

Бу кучининг манбаи шундаки, колхоз хўжалиги машиналаштирилган, давлат машина-трактор станцияларининг қудратли индустриал неғизига таянганда хўжалик бўлиб, меҳнат унвонини тўхтовсиз кўтаришда, қишлоқ хўжалик акциларининг ҳосилини ва колхоз хўжалигининг мақсуддорлигини оширишда, халқининг кенг истеъмол молларига бўлган аҳтиёжларини тўла қондиришда, колхозлар ва колхозчиларнинг дармадини қўйиб туришда ҳечқанда чегарани биймайди.

Бу кучининг манбаи шундаки, колхозларда меҳнатини социалистик асосда уюштирилсин йрик хўжалиқнинг устуликларидан, техникадан тўла фойдаланиш имкониятини бериб, деҳқонларни колхозларда жамоат манфаатлари билан шакли манфаатларини боғлаб олиб бориш руҳида, социализм руҳида тарбиялади. Юксак техника неғизига асосланган йрик коллектив хўжаликда колхозчилар оммисининг ўз коллектив хўжалиқларини қуринидаги ташаббус социалистик давлатнинг ташкили ва текшир ёрдами билан тўла муваффақиятчи равишда олиб борилади.

«Колхозларнинг буюк аҳамияти худди шундан иборатки, — деб та'лим берибди уртоқ Сталин, —улар деҳқончиликда ишчи ва тракторларни ишлатиш учун асосий бава бўладилар, улар деҳқонларни қайтадан тарбиялаш учун, унинг пехлоқсисини социализм руҳида тарбиялаш учун асосий неғизини ташкил қиладилар».

Меҳнатни уюштиришдаги янги, социалистик шакллари ҳам машиналаштирилган йрик социалистик деҳқончиликнинг талабларига мувофиқдир. Колхоз тузумининг илҳомчиси ўртоқ Сталин, большевиклар партиясини ва совет ҳукумати колхозларда меҳнатни тўғри уюштириш масалаларига ҳамшира рол қатта аҳамият бериб келдилар. Колхоз ҳаракати оммийи тўла олган дастлабки йиллардаги колхозларда меҳнатни уюштиришнинг асосий принциплари янги белгилаб берилган эди. Партия ва ҳукумат энг янги қишлоқ хўжалик артелидаги меҳнатни уюштиришнинг асосий ва энг мўҳим шакли доимий ишлаб-қаршиш бригадаси бўлиши керак деб колхозларга

тавсия қилган эдилар. Ишлаб-қаршиш бригадаси тўғри тузилган вақтда, у колхозларда МТСларнинг индустриал техникаси билан колхозларнинг ўзларидаги ишлаб-қаршиш воситаларидан унумли фойдаланиш имкониятини бериб, шунингдек йрик социалистик деҳқончиликка мос коллектив меҳнат шакллариини устуликларидан тўла фойдаланиш имкониятини бериб.

ВКП(б) Марказий Комитети «Колхозларни ташкилий ва хўжалик жиҳатидан муостақамлаш соҳасидаги набатдаги таъбирлар тўғрисида» деб 1932 йил 4 февралда чиқарган қарорда, колхозларда меҳнатни уюштиришдаги асосий шакл доимий а'золари бўлган бригада бўлмоғи керак, бригада бошлиқларини ташлаш, уларнинг составларига қўйимсизликни тугатиш, бригада бошлиқларининг хўжалик ва сиёсий ишларига малакисини оширишда уларга чинакам ёрдам бериш турши партия ташкилотларининг энг мўҳим вазафасидир деб қўрсатган эди.

Бригада ҳақидаги ана шу мўҳим қонлар колхоз ҳақининг асосий қонуни бўлган қишлоқ хўжалик артели Сталинча Уставага киртилди. Уставада, правлене колхоз а'золаридан иборат ишлаб-қаршиш бригадаларни тузади, деб кўрсатилган. Далалчилик бригадаларига амаллаб экин мулдатига мўлжаллаб амаллаб экин далаларидан устаклар ажратиб берилади. Колхоз правленеси ҳарбир бригадага махсус акт бўйича зарур бўлган ҳамма асбоб-ускуналарни, от-уловни ва хўжалик иморатларини берибди қўлади. Бригададаги ишларини бевосита бригада бошлиқи колхоз а'золари тақсимлаб берибди. Бригада бошлиқи бригаданинг ҳарбир а'зосидан мўҳим қалар тўла фойдаланиши керак. Устава колхознинг барча а'золарига правлене ва бригада бошлиқ томонидан қўйилган ишларни ҳақда жамоат вазафаларини пухта баҳарши, меҳнат интизомига қаттиқ амал қилиш мажбуриятини қўлади.

Шундай қилиб, колхоз ҳаракати оммийи тўла олган дастлабки йиллардаги колхозларда меҳнатни ва ишлаб-қаршиш уюштиришда, правлене ва колхоз раиси билан бригадада, бригада бошлиқнинг ролли ҳам юксак даражада қўйилган эди. Доимий

ишлаб-қаршиш бригадаларининг тузилиши колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан муостақамлашда рол қаттиқ роль ўйнади. Колхозлар ривожлана бораган сари доимий ишлаб-қаршиш бригадасининг ролли тобора кўтарилди борди.

Бригада муостақамлашда, у барча қишлоқ хўжалик акциларининг етакчилигини ва даставвал социалистик деҳқончиликнинг етакчи томонга бўлган дон хўжалигини меҳнатни уюштиришнинг асосий ва мўҳим шакли бўлиб қолди.

Нима учун бригада даставвал дон хўжалигини меҳнатни уюштиришнинг асосий ва мўҳим шакли ҳисобланади? Чунки дон хўжалиги юксак даражада машиналаштирилган хўжаликдир. Дон хўжалигини машиналаштириш қулай-қулай кенгайиб бормоқда: Колхозларда дон ва чопиқ қилинмайдиган бошқа акцилар юзасидан бўлган ҳамма асосий ишлар МТС

